БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 33 (4132)
9 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИДА—ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Тошкент область касаба союзлари X конференциясидан

Пойтахт область касаба союзлари ўзларининг ҳисобот-сайлов конференцияларига ижодий куч-ғайратга тўлган ҳолда, бунёдкорлик шижоати билан келдилар. Касаба союзлари активистлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, социалистик мусобақа етакчилари ўнлаб ажойиб ишларни, ватанпарварлик ташаббусларини бошлаб беришган. Уларнинг кўпчилиги кеча Тошкент область партия комитети мажлислар залига конференция делегатлари сифатида келишди. Улар ҳисобот даврида касаба союзлари ишини ҳар томонлама таҳлил этиш, беш йилликнинг якунловчи йилида янги марраларни белгилаш, камчиликларга барҳам беришнинг йўл ва усулларини белгилаш учун келганлар.

Тошкент область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов қилган докладда касаба союз комитетлари ва ташкилотларининг юксак меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлиги, ташаббускорлиги ва ишчанлиги тўғрисида шаҳодат берувчи ўнлаб фактлар ва рақамлар келтириб ўтилди. Ҳозирги пайтда область касаба союзлари сафида салкам 1,5 миллион киши бор. Улар коммунистлар ва комсомоллар билан бирга меҳнат коллективларининг жанговар авангарди, барча ишларда ва ташаббусларда партия ташкилотларининг биринчи ёрдамчилари бўлишяпти.

Касаба союз ташкилотлари олдида турган кўлаб вазифалар орасида партия XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йилликда олинган план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини янада ошириш асосий вазифа бўлди ва шундай бўлиб қолади.

Ҳозирги пайтда мусобақада Тошкент областининг 970 мингдан зиёд меҳнатчиси иштирок этяпти. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати қатнашчиларининг сафлари 583 минг кишига етди. «Бир беш йилликда — икки беш йиллик планни бажарамиз», «Беш йиллик топширигини тўрт йилда бажарайлик», «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача беш йиллик планни бажарамиз», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» сингари ташаббуслар кенг оммавийлик касб этди.

Мусобақада Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси А. Девятова, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари Р. Турсунбоева, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Ш. Ходмуҳамедова, электрон-техника заводи созловчиси А. Муҳамедов ва бошқа кўплаб касаба союз активистлари олдинда бормоқдалар.

Мураббийлик ҳаракати ой сайин кенгайиб боряпти. Ҳозир 35 мингдан зиёд тажрибали ишчилар ёшларга оталиқ қилмоқдалар, ўзларининг бой билим ва ҳаётий тажрибаларини уларга ўргатмоқдалар.

Тошкент шаҳри ва областининг саноати меҳнатчилари, илғорлар тажрибаси ва ташаббуси ҳамма жойда кенг ёйилиши натижасида беш йиллик бошидан буён 540 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар, кўплаб материал ва энергетика ресурсларини тежаб қолдилар, давлат Сифат белгиси билан буюмлар тайёрлаш кўпайди.

Капитал қурилиш модний ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари ривожига катта таъсир кўрсатяпти. Беш йиллик бошидан буён область қурувчилари 4 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирдилар. Шу даврда 750 минг тонна пўлат, 762 минг тонна минерал ўғит тайёрлайдиган қувватлар ишга туширилди, 4 миллион квадрат метр майдонда турар жойлар маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектлари комплекси билан қуриб битказилди.

Қишлоқ транспорт, алоқа, савдо, маиший ва коммунал хизмати меҳнатчилари ўртасида мусобақа тобора кенгайиб боряпти. Бутуниттифоқ ихтирочилик ва рационализаторлик жамияти, меҳнатни илмий ташкил этиш ташкилотлари, жамоатчи конструкторлик бюролари ва меҳнаткашларнинг бошқа ижодий бирлашмалари коллективлари ҳам долзарб вазифаларни ҳал этишда қизғин қатнашишяпти.

Ишчи йиғилишлари, доимий ишловчи ишлаб чиқариш кенгашлари таъсирчанлиги ошганлиги сўнгги йилларнинг характерли хусусияти бўлди. Корхона ва ташкилотларнинг ишини яхшилаш ҳақида таклиф ва фикрларнинг кўпайгани ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Сўнгги йилларда ишлаб чиқаришнинг техникавий жиҳозланиши анча ошди, 418 та корхона, цех, участка янгидан қурилди ва реконструкция қилинди. Беш йиллик бошидан буён 80 мингдан зиёд кишининг меҳнат шароити яхшиланди. Ана шу мақсадлар учун беш йиллик бошидан буён 96 миллион сўм сарфланди. Механизациялаш ва меҳнат шароитини яхшилаш юзасидан энг яхши таклифлар учун кўрик-конкурс яхши самара берди. Унинг қатнашчиларидан 9,2 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган 1512 та таклиф тушди. Коллективларнинг ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ишлаб чиқаришдаги травматизм сонини камайтириш учун кураш кенг қулоч ёйяпти.

Докладчи ва музокара қатнашчилари—электр станциялар ва электротехника саноати ишчилари касаба союзларининг область комитети раиси К. М. Мақсудхонов, Тошкент трактор заводи токари Л. И. Дубинина, «Миконд» заводи директори Х. Н. Тожиев, «Висотстрой» трести бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Қорабоев ва бошқалар касаба союзларининг меҳнат аҳли, уларнинг иши, дам олиши, маиший турмуши тўғрисидаги ғамхўрлиги янада кучайганлигини таъкидлаб ўтишди. Ҳисобот даврида фақатгина область меҳнаткашлари ва уларнинг фарзандлари санаторий, курортларда даволанишни ва дам олиши учун 32 миллион 758 минг сўм сарфланди. Сўнгги йилларда санаторий типидаги пионер лагерлари тармоғи анча кенгайди. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармаси, «Ташсельмаш» заводи, «Средазкабель» бирлашмаси ва бошқа кўплаб корхоналарнинг дам олиш базалари намунали ҳисобланади.

Касаба союз ташкилотлари уй-жой ва маиший турмуш масалаларини ҳал этишда қатнашиб, қурилиш объектларида назорат постлари ташкил этишяпти. Савдо, овқатланиш, маиший хизмат, шаҳар пассажир транспорти ва бошқа соҳаларнинг корхоналари иши устидан жамоатчилик назоратини кучайтирмоқдалар.

Ғоявий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишларда касаба союзларининг вазифалари кенг ва кўп қиррали дир. Шаҳар ва областда 139 та клуб, маданият уйлари ва саройлари, 2,5 мингдан зиёд қизил бурчаклар, 177 кутубхона бор. 3 мингдан зиёд коммунистик меҳнат мактаблари, 88 та халқ университети ишлаб турибди. 4 мингта бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида 90 мингга яқин киши шуғулланяпти. Ёшлар, болалар билан ишлаш анча жонлантирилди.

Оммавий физкультура ва спорт янада ривожланди. Ҳисобот даврида 32 та янги физкультура коллективи тузилди. Касаба союзларининг кўнгилли спорт жамиятлари состави 335 минг кишидан ошиб кетди. Областнинг 70 мингдан зиёд меҳнатчиси ва уларнинг оила аъзолари согломлаштириш, умумий жисмоний тайёргарлик группаларида шуғулланмоқдалар. Ҳар йили область касаба союзлари Советининг спортнинг оммавий турлари бўйича спартакиадалари, мусобақа, турнир ва бошқа баҳслар ўтказиш анъана бўлиб қолди. Туризм ва экскурсияларни ривожлантиришга катта эътибор бериляпти.

Докладчи ва музокара қатнашчилари — ТошПИ проректори И. М. Мирхўжаев, 127-автомобиль корхонаси ҳайдовчиларининг бригадири Г. В. Мезников, Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. С. Камолов ва бошқа делегатлар эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга ташкилий, ғоявий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлардаги бир қатор камчиликларга эътиборни қаратишди.

Конференция олдидан касаба союзларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси ишларнинг форма ва методларини такомиллаштириш, мавжуд резерв ва имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш тўғрисидаги ишчан, принципиал, қизғин суҳбатга айланиб кетди. Ҳозир область касаба союзлари олдида турган вазифалар орасида энг асосийси — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, иш сифатини яхшилаш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, меҳнат ва ижро интизомини, жамоат тартибини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат.

Бу йил ўзига хос йилдир. Совет халқи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўряпти. Касаба союз ташкилотларининг бурчи ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, ҳар бир меҳнат коллективида зарбдорчасига, ленинчасига ишлашга эришишдир. Шу муносабат билан область касаба союзлари, касаба союзининг қуйи звенолари, айниқса меҳнат коллективлари ичида иш олиб бораётган оммавий касаба союз группаларига ўз ишининг асосий оғирлигини ўчиришга интилмоқда.

Конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, касаба союз комитетларига ташаббускор, ғоявий стук кишиларни, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини сайлаш қўйилган вазифаларни тўла-тўкис бажаришнинг ҳал қилувчи шартидир. Ўнинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан касаба союз ташкилотлари ва активистларининг тадбиркорлиги, уюшқоқлиги ва жанговарлигига боғлиқ. Бу Ленин юбилейига, КПСС XXVI съездига муваффақиятли тайёргарлик кўришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ревизия комиссияси раисининг ўринбосари Р. Д. Охунов Тошкент область касаба союзлари ревизия комиссияси ҳисоботини берди.

Конференция Тошкент область касаба союзлари Советининг янги составини, область касаба союзларининг ревизия комиссиясини сайлади.

Конференцияда ВЦСПС секретари А. В. Викторов, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов сўзга чиқишди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Икромов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов, касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова иштирок этишди.

* * *

Ташкилий пленумда А. В. Браилов Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси, С. У. Муҳаммаджонова, М. С. Камолова, М. И. Сафаров область касаба союзлари Советининг секретарлари қилиб сайландилар.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

Озодлик оролига

«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бу йил ҳам ўндан ортиқ ҳорижий мамлакатининг буюртмасини бажариб беради. Бирлашмада январь ойида экспорт учун тайёрланган дастлабки тўртта кўприк крани Мўғулистон ва Болгарияга юборилди.

БУГУН

КОРХОНА ИШЧИЛАРИ ЯНА БИР СИФАТЛИ КЎПРИК КРАНИНИ СОЦИАЛИСТИК КУБАГА ЖЎНАТИШДИ.

Бирлашма коллективи ўтган йили жаҳон мамлакатларига салкам юзта замонавий техника воситаси етказиб берган эди. Бу йил охиригача эса 110 та кўприк крани экспорт учун тайёрланади.

• *Эртага—Аэрофлот куни*



Граждан авиацияснинг Тошкентдаги авиабўлинмаси коллективи Бутуниттифоқ Авиаторлар кунини меҳнат соҳасида катта ютуқлар билан кутиб олмоқда. Пассажирлар ташиш ва шартли ёнилғи тежаш топшириқлари муваффақият билан адо этилмоқда. Учувчилар улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кун нинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақасини кун сайин авж олдирмоқдалар.

СУРАТДА: ЯК-40 самолётининг илғор экипаж аъзолари (чапдан ўнгга) кема командири В. Буланцев, бортпроводница Е. Евдокимова, бортмеханик В. Апарин ва иккинчи учувчи С. Усмонхўжаев ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯНГИ ЮТУҚЛАР БИЛАН

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг кўп минг сонли авиаторлари қаторида Тошкент аэропортининг коллективи ҳам ўз меҳнат байрамларини янги ютуқлар билан кутиб олишмоқда.

— Шу йилнинг январь ойида 192 мингдан кўпроқ йўловчига намунали хизмат кўрсатдик, — дейди Тошкент авиакорхонаси командирининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Л. И. Логунов. — Бундан ташқари, почта жўнатиш плани 106,4 процент, муҳим халқ хўжалик юклари жўнатиш плани эса 126,8 процент бажарилди.

Йўловчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш хизматчиниг С. Мусахўжаев ва почта-юк жўнатиш ишларини ташкил этиш хизматчиниг М. Трусова бошлиқ сменалари коллективлари юксак ишлаб чиқариш ютуқларини қўлга киритмоқдалар. Айни пайтда самолётларнинг қатъий график асосида учишини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу кунларда маҳаллий линияларга училадиган аэровокзал биносини ремонтдан чиқариш ва уни янгитдан жиҳозлаш ишлари олиб борилаяпти. Бундан ташқари, бевосита аэропортнинг ўзида олдиндан билет сотадиган кассаларни ташкил этиш учун бу ерда янги кассалар зали жиҳозланмоқда. Бу Тошкентдан олис манзилларга учадиган йўловчиларга яратилаётган кўплаб қулайликларнинг энг муҳимидир.

Йўловчиларга хизмат кўрсатишни намунали ташкил этиш Ҳаво йўллари марказий агентлиги коллективининг иш услубига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу ерда авиа йўловчиларга қулайлик яратадиган кўпгина хизмат турларини ривожлантиришга катта аҳамият берилаяпти.

— Ўтган йили 1978 йилдагига қараганда 125,5 мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатдик, — деди Ўзбекистон граждан авиацияси ҳаво йўллари марказий агентлиги бошлиғи А. А. Дадаян. — Авиайўловчиларга хизмат кўрсатиш усуллари кенгаймоқда. Ўтган йили 79 мингдан кўп йўловчига бир йўла қайтиш учун ҳам авиабилетлар кассаларимиз орқали сотилди. Бу 1978 йилдагига қараган 30 мингта кўп демакдир. Йўловчиларнинг буюртмаси асосида билетларни уйга ёки иш жойларига олиб бориб бериш усули ҳам кенг оммалашяпти. Ўтган йили 22 минг йўловчига билетлар шу усулда сотилди. Бундан ташқари, «Сирена» системаси орқали бронланган билетлар сотиш ўтган йили 75,5 мингтани ташкил этди.

Ҳаво йўллари марказий агентлиги коллективи бу йил Тошкентда ва пойтахт областида яна қўшимча янги авиакассалар очиш, ёз ойларида кассаларнинг иш қувватини бармунча ошириш тадбирларининг белгиламоқда. Бундан ташқари, йўловчиларга хизмат кўрсатиш технологиясини такомиллаштиришга имкон берадиган кўпгина иш усуллари жорий этилади.

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг ҳаво лочинлари бу йил Ватанимиз пойтахти Москвада бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари мусобақаси билан Олимпиада қатнашчиларига ва меҳмонларига «Олимпиада — 80»га — аэло авиасервиз» шиори остида хизмат кўрсатишади. Шу муносабат билан якинда Граждан авиацияси республика бошқармасида ўтган махсус семинарда бу соҳадаги тадбирлар муҳокама қилинди.

Бу йил 3 миллион 150 мингдан ортиқ йўловчига юксак намунали хизмат кўрсатиш, янги ҳаво йўллари очиш, кўпгина шаҳарларга қатнайдиган самолётлар сонини кўпайтириш, шунингдек бир йўла 350 йўловчини сиғдира оладиган ИЛ— 86 аэробусини қабул қилишга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Тиғиз график асосида

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Зинаида Иосифовна Голошчапова бошлиқ йигирувчилари коммунистик меҳнат бригадаси номига муносиб эканликларини яна бир бор тасдиқладилар. Улар ленинча зарбдор вахтала туриб ишлаб, рекорд иш унумига эришдилар, уларнинг станокларидан ҳар сменада энди 530 тонна полотно чиқиб турибди. Бу эса топшириқда белгиланганидан 30 тонна кўпдир. Бунда З. И. Голошчапованинг хизмати ҳам каттадир. Ўттиз йиллик иш стажига эга бўлган меҳнаткаш аёл ўзининг ишчилик йўлини тўқувчиликдан бошлаган эди. Сўнгра у мастер ёрдамчилари тайёрлайдиган курсни тамомлаб, бригадир бўлиб ишлай бошлади.

Бригада ишчи таклиф этган ҳар қандай ташаббус ёки янгиликнинг ҳамиша қўллаб-қувватланиш ва қоида тусини олган. Бригаданинг энг яхши тўқувчилари А. Лазарева билан Ш. Қосимова хизмат қилиш зонасини кенгайтиришга қарор қилганларида Зинаида Иосифовна уларни қўллаб-қувватлади ва нормада белгиланган 18 машина эмас, балки 20 машинанинг техникавий ҳолатини кўздан кечирадиган бўлди. Ҳозир у 29 станокка хизмат қилмоқда, чунки бригада аъзоларидан саккиз кишининг ҳар бири зич график асосида ишлашни ўзлаштирди.

Илғор бригада В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ярим йиллик программани бажариш билан кутиб олишга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Олий ўқув юртлари ходимлари Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Ссср Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, ўртоқ Леонид Ильич Брежневга мактуби эълон қилинган.

✦ Кеча Тошкентда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларига оталик қилиш самарадорлигини янада ошириш соҳасида комсомол ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Республика комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов доклад қилди.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАВАЛЛУДИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

8 февраль куни Тошкентда ўрта аср шарқининг алломаси Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига тайёргарлик ва уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев олиб борди.

Ташкилот комитети Бухоро областида юбилей объектларининг қандай қурилаётганлиги тўғрисида, шунингдек Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида шу йил куз фаслида нишонланадиган тарихий санага тайёргарликнинг бориши тўғрисида республика министрликлари ва идоралари раҳбарларининг ахборотларини тинглади.

(ЎзТАГ).

Ленин ва СССР Давлат мукофотлари комитетида

Москвада Г. М. Марков раислигида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг сессияси очилди.

Комитет турли ташкилотлар томонидан тақдим этилган номзодлар билан танишиб чиқиб ва уларни муҳокамадан ўтказиб, 1980 йилги Ленин мукофотларини олиш кўрсатувида бундан буён қатнашадиган ишларни танлаб олади.

ТОШКЕНТ — ОЛИМПИАДА ХИЗМАТИДА

ФАХРЛИ БЕШ ҲАЛҚА

Олимпиада рамзи — фахрли беш ҳалқа тасвири туширилган трикотаж кийимлари кўпчиликка манзур бўляпти. Ана шу буюмлардан тўрт хили шаҳримиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланяпти. Шунингдек, корхонада қувноқ айиқча тасвири туширилган болалар кийимлари ҳам кўплаб ишлаб чиқарилаяпти.

БУГУН

Бирлашма чеварларининг йил бошидан бери Москва Олимпиадаси рамзи билан тайёрлаган буюмлари 100 минг сўмликка етди.

Бирлашмада ўтган йили жаҳон спортчилари анжуманига бағишланган 1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган эди. Бу йил июль ойигача 400 минг сўмлик сифатли ва бежирим трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилади.

ҲАМИША САНЪАТ ОЛАМИДА

Алишер Навоий номли ўзбек Давлат катта академик театрининг коллективи ана шу даргоҳнинг кекса санъаткори, театрда 45 йилдан буён балет санъати концертмейстери бўлиб хизмат қилаётган Розария Моисеевна Лишинер туғилган кунининг 70 йиллигини нишонлади.

Одатдаги «Жизель» балети намойиш қилиниши олдидан саҳнада кекса санъаткор ва унинг ҳамкасблари намоён бўлишди.

ОБ-ҲАВО ВА МЕДИЦИНА

10—11 февраль кунлари ҳаво вақти-вақти билан булутланиб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шарқ томондан кучсиз шамол эсади. Атмосфера босими бироз камаяди. Кечалари 5—7 даража совуқ, кундузи 6—8 даража иссиқ бўлади.

* * *

Ҳозир Тошкент Сибирь антициклони таъсирида бўлгани учун метеорологик элементларнинг суткалик ўзгариши катта бўлмайди.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ.

Тошкентнинг якшанба куни

Эртанги дам олиш кунини қандай ўтказиш керак? Қаерларга борса бўлади, қандай кўнгилли ҳордиқ чиқариш мумкин? Ҳамшаҳарларимизнинг ушбу саволларига жавоб тариқасида биз уларга қуйидагиларни тавсия этамиз...

ВИСТАВКАЛАР...

ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИ ЛЕНИННОМАСИ

Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида музейга совға қилинган ва доимий туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган экспонатлар билан танишиш мумкин.

Экспонатлар орасида Октябрь революцияси номли завод территориясида ўрнатилган дастлабки В. И. Ленин ҳайкалининг макети ҳам бор. Бу макетни музейга шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари совға қилишган. Рассом С. Колибановнинг икки картинаси, коммунист рассом Ф. Леженциг В. И. Ленин тасвири туширилган мозаик панноси ва бошқа экспонатлар бор. Паннони рассомнинг рафиқаси Наталья Леже тухфа қилган.

Шу ернинг ўзида «Ўзбекистон рассомларининг Ленинномаси» кўргазмаси ҳам очилган. Унда А. Мельниковнинг «В. И. Ленинниинг ўрта Осиё делегатлари билан учрашуви», А. Раҳматуллаевнинг «Ленин ва Крупская» ҳайкаллар группаси, Ўзбекистон халқ рассоми Л. Абдуллаевнинг «В. И. Ленинниинг ўзбекистонлик хотин-қизлар билан учрашуви» асари ва бошқа асарлар кўргазмага қўйилган.

ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯЛАР

Сўнгги ярим йил ичида Ўзбекистон ССР амалий санъат музейини мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ва чет эллардан келган 40 мингга яқин томошабин зиёрат қилди. Зиёрат бу ерда республика амалий санъатининг янги экспозицияси билан танишиш мумкин. Кўргазмага сопол буюмлар, кашта буюмлар, зардўзлик буюмлари, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, заргарлик асарлари, қадимги ва ҳозирги замон амалий ва манзарали санъат устаҳаларининг буюмлари қўйилган.

МЕҲНАТ ВА ТИНЧЛИК ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг марказий кўргазмалар залида республика рассомлари яратган плакатлар виставкаси очилди. Виставкага Фарук Кагаров, Виктор Евенко, Нури Ғалиев, Николай Шерстнев, Анвар Балиқнов ва бошқа рассомлар яратган юздан зиёд плакат намойиш этилмоқда. Ленинномма, тинчлик учун кураш, совет кишиларининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш йўлидаги яратувчилик меҳнати бу плакатларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

...КУТУБХОНАГА

КИТОБНИ СЕВСАНГИЗ...

А. Навоий номли Давлат кутубхонасининг кўргазмалар залида Ленинниинг барҳаётлигида турли нашриётлар томонидан чоп этилган нодир китоблар виставкаси очилди. Виставка В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган. Кўргазмадан ижтимоий-сиёсий, географик адабиётлар, рус ва ўзбек классикларининг бадиий адабиётлари, санъат, фан ва техникага бағишланган альбомлар ва китоблар ўрин олган.

Бу ерда, шунингдек рус ва ўзбек тилларда нашр этилаётган энг сўнгги даврий нашрлар, брошюралар, журналлар ва газеталар билан танишиш мумкин.

МАМЛАКАТИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Одатдагидек якшанба куни Крупская номли пионер ва ўқувчилар саройи кичкинтойлар билан гавжум бўлади. Эртага бу ерда «Орлёнок» комсомол ҳарбий-спорт ўйинларининг турлари бўйича мусобақалар бошланади. Мусобақаларнинг биринчи босқичида деворий газеталарнинг конкурси ўтказилади. «Мамлакатимиз билан фахрланаман» шиори остида ўтадиган ушбу конкурсда мактаб коллективларининг ўқувчилари ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолиятлари деворий газеталарда қандай ўз аксини топганлиги баҳоланади.

Мактаб ўқувчилари ёзган хабарлар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини муносиб кутиб олишга аҳд қилган болаларнинг кўпгина қизиқарли ташаббуслари ҳақида ҳикоя қилади.

Шу куни авиамоделчилар тўгарагидаги болалар янги моделларни яратиш, хореография тўгарагининг ва вокал студиясининг аъзолари эса қўшиқ ва рақсларни машқ қилиш билан шуғулланадилар.



«Қиш этюди».

В. Тамагаев фотоэтюди.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

128-сайлов округи

Шевченко Любовь Дмитриевна — Тошкент ойна-мебель фабрикаси ишчиси, 1952 йилда туғилган, КПСС аъзоси — Тошкент ойна-мебель фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

129-сайлов округи

Тўхтасинов Ғанихўжа — 4-қурилиш трести ғишт терувчиси, 1950 йилда туғилган, КПСС аъзоси—4-қурилиш трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

130-сайлов округи

Шукурова Мавлуда — 3-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси тикувчи-мотористкаси, 1956 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси—Ўзбекистон карлар жамиятига қарашли 3-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

131-сайлов округи

Мадаминова Гулшод Болтаевна — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси ҳисоблаш маркази оператори, 1959 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси— Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

132-сайлов округи

Муҳиддинов Ҳожимурод Комолович — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлими мудири ўринбосари, 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси— Ўзбекистон туризм ва саёҳатлар бўйича республика Совети ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

133-сайлов округи

Деревягина Татьяна Ивановна — экскаватор заводи кранчиси, 1955 йилда туғилган, КПСС аъзоси— Тошкент экскаватор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

134-сайлов округи

Орипов Файзулла Ҳусанович— «Ташавтоматика» заводи электр монтёри, 1946 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Ташавтоматика» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

135-сайлов округи

Ражабов Раҳим Ражабович — экскаватор заводи директори, 1937 йилда туғилган, КПСС аъзоси—Тошкент экскаватор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

136-сайлов округи

Воскобойников Виктор Владимирович — 2-ёғочни қайта ишлаш заводи дурадгори, 1952 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси—«Стройдеталь» трестига қарашли 2-ёғочни қайта ишлаш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

137-сайлов округи

Силантьева Ольга Ивановна — грампластинкалар заводи электр монтёри, 1955 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси—М. Тошмуҳамедов номидаги Тошкент грампластинкалар заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

138-сайлов округи

Рудакова Ираида Павловна — «Ташэнергострой» қурилиш-монтаж бошқармаси бўёқчиси, 1940 йилда туғилган, партиясиз — «Ташэнергострой» қурилиш-монтаж бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

139-сайлов округи

Қосимхўжаева Наима Ҳикматуллаевна — маҳаллий саноат корхонаси ишчиси, 1939 йилда туғилган, партиясиз—маҳаллий саноат корхонаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

140-сайлов округи

Шораҳмедов Жавлон Аҳмедович — «Ташглавпассавтотранс» бошлиғи, 1929 йилда туғилган, КПСС аъзоси—Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Узстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

141-сайлов округи

Удодова Людмила Владимировна— «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси лаборанти, 1946 йилда туғилган, партиясиз, — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

142-сайлов округи

Каримжонов Илҳомжон Орипжонович— лак-бўёқ заводи слесари, 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси— Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

143-сайлов округи

Кукушкина Людмила Федоровна— лак-бўёқ заводи аппаратчиси, 1941 йилда туғилган, партиясиз— Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

144-сайлов округи

Қориева Беркора Раҳимовна — Навоий номли театр солисткаси, 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси— Тошкент Давлат маданият институти профессор-ўқитувчилар состави ва студентларидан.

145-сайлов округи

Улуғова Маҳбуба Кунузоковна — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш инженерлари институти III курс студенти, 1960 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси— Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти профессор-ўқитувчилар состави ва студентларидан.

(Давоми. Боши газетанинг 32-сонида).

146-сайлов округи

Абдуллаев Бахтиёр Омонуллаевич—«Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси слесари, 1956 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасига қарашли Тошкент тажриба-механика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

147-сайлов округи

Ярышкина Клавдия Ивановна — трактор заводи бўёқчиси, 1945 йилда туғилган, партиясиз. — СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

148-сайлов округи

Раҳимова Шоира Шариповна— «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, 1948 йилда туғилган, партиясиз — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

149-сайлов округи

Тимко Владимир Ильич—4-қурилиш трести слесари, 1942 йилда туғилган, партиясиз — 4-қурилиш трестига қарашли 6-қурилиш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

150-сайлов округи

Норматова Зулҳумор — 3-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси тикувчи-мотористкаси, 1954 йилда туғилган, КПСС аъзоси— Ўзбекистон карлар жамияти 3-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

151-сайлов округи

Набиев Абдуҳаким Ғаниевич— 1-тажриба экспериментал-механика заводи моделчиси, 1954 йилда туғилган, КПСС аъзоси —«Главстройиндустрия»га қарашли Тошкент тажриба экспериментал-механика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

152-сайлов округи

Собиров Рустам Юнусович — «Эталон» заводи дурадгори, 1952 йилда туғилган, партиясиз — Тошкент «Эталон» тажриба заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

153-сайлов округи

Акбарова Холида Жабборовна — «Гастроном» идораси магазини сотувчиси, 1958 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — «Гастроном» Ўзбекистон республика идораси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

154-сайлов округи

Кротков Юрий Всеволодович — грампластинкалар заводи директори, 1924 йилда туғилган, КПСС аъзоси, — М. Тошмуҳамедов номидаги Тошкент грампластинка заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

155-сайлов округи

Шелим Нина Алексеевна—почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бирлашмаси телеграфисткаси, 1939 йилда туғилган, партиясиз —Тошкент шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

156-сайлов округи

Расулов Омил Саидкаримович — Куйбишев район Совети ижроия комитети раиси, 1931 йилда туғилган, КПСС аъзоси— СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

157-сайлов округи

Ҳикматуллаев Ниғмат Ҳикматуллаевич — «Узгипротяжпром» институти директори, 1921 йилда туғилган, КПСС аъзоси— «Узгипротяжпром» институти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

158-сайлов округи

Кутранова Анастасия Александровна— трактор заводи токари, 1928 йилда туғилган, партиясиз— СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

159-сайлов округи

Шамсуддинова Алевтина Ивановна— грампластинкалар заводи ишчиси, 1953 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси— М. Тошмуҳамедов номидаги Тошкент грампластинкалар заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

160-сайлов округи

Зоиров Қаюм Собирович — врачлар малакасини ошириш институти ректори, 1913 йилда туғилган, КПСС аъзоси— Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилар состави ва тингловчиларидан.

161-сайлов округи

Боймуҳамедова Нойла Турғуновна— ошхоналар трести ошпази, 1957 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси— Куйбишев район ошхоналар трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

162-сайлов округи

Усмонова Манзура Мўминовна — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли ядро-физика институти директори ўринбосари, 1932 йилда туғилган, КПСС аъзоси — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли ядро-физика институти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

163-сайлов округи

Цурочкин Пётр Михайлович — В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти бошлиғи, 1929 йилда туғилган, КПСС аъзоси — В. И. Ленин номли Қизил Байроқли Қизил Юлдуз орденли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти коллективидан.

Ленин райони бўйича

164-сайлов округи

Романова Александра Павловна— Каноп фабрикаси ишчиси, 1925 йилда туғилган, партиясиз — Тошкент каноп фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

165-сайлов округи

Окунская Любовь Ивановна — Шаҳар медицина билим юрти директори, 1931 йилда туғилган, КПСС аъзоси— П. Ф. Боровский номли Тошкент медицина билим юрти ўқитувчилари ва ўқувчиларидан.

166-сайлов округи

Орипова Зулҳумор — «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари, 1960 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — Тошкент «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

167-сайлов округи

Туйчибоева Нигора Файзуллаевна— Республика Модалар уйи бичиқчиси, 1959 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — Республика Модалар уйи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

168-сайлов округи

Мушкарев Вадим Георгиевич— В. И. Ленин номли электрон-техника заводи директори, 1924 йилда туғилган, КПСС аъзоси— В. И. Ленин номли электрон-техника заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

169-сайлов округи

Найденкова Любовь Николаевна— В. И. Ленин номли электрон-техника заводи ишчиси, 1951 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — В. И. Ленин номли электрон-техника заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

170-сайлов округи

Ярыгин Владимир Степанович — «Ташсантехгазмонтаж» электр пайвандчиси 1940 йилда туғилган, партиясиз— «Ташсантехгазмонтаж» трестига қарашли 2-монтажлаш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

171-сайлов округи

Вялцева Елена Андреевна — Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси электромонтёри, 1954 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси— Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

172-сайлов округи

Козимов Воҳид Охунович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси, 1927 йилда туғилган, КПСС аъзоси— Ўрта Осиё темир йўл Бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

173-сайлов округи

Хайдаров Тўйчи Хайдарович— Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитети иккинчи секретари, 1937 йилда туғилган, КПСС аъзоси— «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

174-сайлов округи

Абзалова Муҳаббат Иброҳимовна— фармацевтика институти III курс студенти, 1960 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчилар состави ва студентларидан.

175-сайлов округи

Бушуев Виктор Борисович — «Средазтрансстрой» трести бульдозерчиси, 1952 йилда туғилган, партиясиз — «Средазтрансстрой» трести 209-қурилиш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

176-сайлов округи

Қаҳҳоров Марат Маликович — Ленин район Совети ижроия комитети раиси, 1934 йилда туғилган, КПСС аъзоси — В. И. Ленин номли электрон-техника заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

177-сайлов округи

Азимова Ёдгор Хамдамовна — В. И. Ленин номли якка буюртмалар тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

178-сайлов округи

Маҳкамов Ҳамдам— Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлимининг бошлиғи, 1926 йилда туғилган, КПСС аъзоси— Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлими ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

179-сайлов округи

Ғафуров Турсунбой Қодирович — 3-таксопарк слесари, 1947 йилда туғилган, партиясиз —3-таксопарк ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

180-сайлов округи

Аванесов Георгий Васильевич — «Ташсантехгазмонтаж» трести бошқарувчиси, 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси— «Ташсантехгазмонтаж» трести 1-монтажлаш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

181-сайлов округи

Лохматов Геннадий Николаевич — «Главташкентстрой» 8-қурилиш трести бўёқчиси, 1957 йилда туғилган, партиясиз — Главташкентстрой 8-қурилиш трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

182-сайлов округи

Рўзиев Восиқ Рўзиевич — «Ташгипротранс» институти бошлиғи, 1914 йилда туғилган, КПСС аъзоси — «Ташгипротранс» институти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

183-сайлов округи

Шукурова Мамлакат Тожиевна — «Водоканал» трести оператори, 1942 йилда туғилган, партиясиз— «Водоканал» трестига қарашли Бўзсув водопровод бош иншооти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

184-сайлов округи

Қаюмова Маъфират Ганиевна— «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўровчиси, 1958 йилда туғилган, КПСС аъзоси — «Учқун» бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

185-сайлов округи

Ионова Татьяна Николаевна— Трамвай-троллейбус бошқармаси ҳайдовчиси, 1949 йилда туғилган, партиясиз— С. Ф. Черников номидаги 1-трамвай депоси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

186-сайлов округи

Шишкина Наталья Николаевна —«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари, 1955 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси— Тошкент «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

187-сайлов округи

Чудина Тамара Григорьевна — тажриба-механика заводи оператори, 1934 йилда туғилган, партиясиз —Тошкент тажриба-механика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

188-сайлов округи

Загуменнов Владимир Панфилович—Трамвай-троллейбус бошқармаси бошлиғи, 1934 йилда туғилган, КПСС аъзоси— Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

189-сайлов округи

Шоғуломов Ислом Шомуродович— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти директори, 1928 йилда туғилган, КПСС аъзоси — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

190-сайлов округи

Алимова Холида Мирзаабдуллаевна— В. И. Ленин номли электрон-техника заводи йиғувчиси, 1957 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — В. И. Ленин номли электрон-техника заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

191-сайлов округи

Вашурина Надежда Алексеевна —1-авторемонт заводи контролёри, 1937 йилда туғилган, партиясиз — И. В. Стрельцов номидаги 1-Тошкент авторемонт заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

192-сайлов округи

Шоюсупов Рамиз Усмонович— «Тошсовет» номли шифохона бош врачи, 1926 йилда туғилган, КПСС аъзоси — «Тошсовет» номли шифохона медицина ходимларидан.

193-сайлов округи

Полишук Татьяна Григорьевна — «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси электромонтажчиси, 1960 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «реле ва автоматика» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

194-сайлов округи

Калиненко Ольга Викторовна— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти қабул қилувчиси, 1953 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

195-сайлов округи

Пўлатова Зуҳра Садировна — «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарь-йиғувчиси, 1958 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси— «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

196-сайлов округи

Фаттохова Мунира Фаттоховна— «Гордорстройремонт» трести йўл ишчиси, 1948 йилда туғилган, партиясиз — «Гордорстройремонт» трести 1-қурилиш ремонти бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

197-сайлов округи

Ҳакимова Халима Саидовна — Тошкент метрополитени поездларини жўнатиш ва қабул қилиш бўйича навбатчиси, 1951 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси —Тошкент метрополитенининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

198-сайлов округи

Григорьева Людмила Георгиевна— Тошкент химия-фармацевтика заводи лаборанти, 1952 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси— Тошкент химия-фармацевтика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

199-сайлов округи

